

Битта ҳарф  
туфайли  
“куйган”  
16 йиллик  
иш стажи



4-бет

Бошпананинг  
борлиги ярим  
бахт  
ундан мосуво  
бўлиш-чи?



5-бет

Қувадаги  
молиявий  
пирамида  
95 нафар  
фуқарога жабр  
етказди



6-бет

Бахт  
чигириқлари



7-бет



# ИНСОН ҚОНУН

ва

21 июль 2020 йил / № 25 (1229)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Президентимизнинг 2020 йил  
20 июлдаги мамлакатимизда  
коронавирус инфекциясига қарши  
кураш борасида олиб борилаётган  
ишларнинг чуқур танқидий  
таҳлилига бағишланган йиғилишдаги  
нутқидан:

“Бугундан бошлаб  
коронавирусга  
чалинган беморлар  
билан ишлаётган  
ҳар бир махсус  
шифохонада  
алоҳида тижорат  
банкнинг кассалари  
ташқил қилиниб,  
шифокорларнинг 14  
кунлик иш ҳақини  
жойида олиш тизими  
жорий этилади.”

Уйда қолинг!



“Шаҳар ва туман  
ҳокимлари 24 соат  
давомида ҳар бир  
касалхонадаги  
вазиратни жиловлаб  
туришга масъул  
ҳисобланади ҳамда  
улар узлуксиз  
ва муаммосиз  
ишлашига шароит  
яратиб беришга  
жавобгардир.  
Ҳар бир раҳбар  
бугунги кунда  
фуқароларимизнинг  
соғлиғини сақлаб  
қолишдан муҳим  
вазифаси йўқлигини  
англаши шарт.”

## СУДЬЯГА НИСБАТАН ҲУРМАТСИЗЛИККА судьялар қандай муносабат билдиришмоқда?



**Холмуҳаммад ҲАСАНОВ,**  
Тошкент шаҳар маъмурий  
суди судьяси



**Хусан ТУРСУНОВ,**  
Қарши туманлараро иқтисодий  
суди судьяси



**Сарвар СОЛИЕВ,**  
Тошкент туманлараро  
иқтисодий суди раиси



**Абдуллажон МУХИДДИНОВ,**  
Тошкент шаҳар Чилонзор туман  
маъмурий суди раиси

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани ва Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида рўй берган воқеалар, яъни судьяларга нисбатан ҳокимият ва ички ишлар органлари мутасаддиларининг муносабати жиддий муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

3-БЕТ

2-БЕТ



# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

## Доимий пропискага ўта оламиз

— ҚИРГИЗИСТОН Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлиги ва илгари доимий прописка билан бўлганлигини билдириб, туман (шаҳар) ИИБнинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига доимий пропискага ўтиш мақсадида мурожаат қилди. Бўлим ходимлари эса А. исмли фуқарога рад жавобини бериб, бунинг иложи йўқлигини айтишган. Ушбу ҳолатда Қирғизистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасида доимий пропискага кириши мумкинми?



— Президентимизнинг 2018 йил 28 августдаги қарори асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бошқа давлатлардан келган ва доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари белгиланган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — доимий яшаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга (Тошкент вилоятидан ташқари) қайтиб келганда доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Демак, ушбу ҳолатда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимларининг ҳаракатлари асосан ва А. исмли Қирғизистон Республикаси фуқароси доимий пропискага ўтишга ҳақли ҳисобланади.

## Қозоғистонда яшаймиз. Фарзандим Ўзбекистонда туғилса, шу ернинг фуқаролигини оладими?



— ҲОЗИРГИ вақтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, турмуш ўртоғим билан Қозоғистон Республикасида вақтинча яшаймиз. Агар фарзандимиз шу ерда туғилса, унга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги берилиши мумкинми?

— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги Қонуннинг 13-моддасига асосан туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Шунга кўра, фарзандингиз Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

## Хорижда ишланган давр пенсия тайинлашда ҳисобга олинадими?

— ТУРМУШ ўртоғим Россияда ишляпти. Қайтиб келса, у ерда ишлаган даврлари ҳам пенсия тайинлашда ҳисобга олинадими?

— Амалдаги пенсия қончилигига асосан чет элда ишланган даврлар қуйидаги шартларга кўра меҳнат стажига қўшилади:

- 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда;
- 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ягона ижтимоий солиқ тўланган тақдирда.

Чет элда ишлаган даврлар учун ижтимоий солиқлар тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон билан тасдиқланган Низомда белгиланган. Бунда чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов миқдорини мустақил равишда, бироқ йилгига Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг тўрт ярим баробари миқдоридан белгилаши мумкин.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан ягона ижтимоий тўлов тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

- ҳар ойда ёки ҳар чорақда;
- бириўла — Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб уч йил мобайнида.



## Бир кунда икки фандан имтиҳон топшириш қонунийми?

— УНИВЕРСИТЕТДА талабалар учун ўқув йили якуни бўйича назорат имтиҳонлари жадвали эълон қилиниб, бир кунда иккита фандан имтиҳон топширишлари белгиланди. Университет талабалари эса бир кунда иккита фандан тайёргарлик кўришга улгурмасликлари ва бу қонунчиликка зид эканлигини билдиришди. Ушбу ҳолатда талабаларнинг эътирози асослими?

— “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низомнинг 24-бандига асосан, олий таълим муассасаларида бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камида 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

Демак, талабаларнинг келтирган эътирози асосли ва университет томонидан назорат имтиҳонлари ўтказиш жадвали юқоридаги низом талабларига мувофиқ қайтадан ишлаб чиқиши керак.



Саволларга  
“Мадад” ННТ бош мутахассиси  
**Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ**  
жавоб берди.

## Боламга алимент оламан. Энди менга болам учун нафақа ажратилмайдими?

— БОЛАМГА нафақа олмоқчиман. Ота-онам билан бирга тураман. Болам 1 ёш. Унга алимент ҳам оламан. Шу сабабли МФЙдагилар арзимани рад этишляпти. Шу тўғрисида? Менга нафақа олиш мумкинмасми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида. “Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52,7 фоизидан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади”, деб кўрсатилган. Маҳаллада ташкил этилган махсус комиссия Сизнинг ва оила аъзоларингизнинг даромадини ҳисоблаб чиқади, агар даромадингиз белгиланган миқдордан ошса, нафақа тайинланмайди. Алимент оиланинг даромадига киритилмайди. 307-сонли қарорга кўра, ота-онанинг ногиронлик нафақаси ва компенсациялар ҳам киритилмайди.





## “Бир адлия ходимига — БИР ОИЛА”



**ҲОЗИРГИ пандемия даврида Термиз туман адлия бўлими томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликнинг олдини олиш юзасидан тумандаги мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ижобий ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Термиз туман адлия бўлими томонидан жорий йилнинг 6 оyi давомида жами 102 та мурожаат ўрганилган бўлса, шундан 48 та мурожаат бевосита туман адлия бўлими бошлигининг шахсий қабули ва сайёр қабуллар давомида келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 15 таси меҳнат муносабатларига оид мурожаатлардир.

“Камбағалликни бирга енгамиз, бир адлия ходимига — бир оила” ижтимоий лойиҳаси доирасида туман адлия бўлими ходимларига биттадан кам таъминланган оилалар бириктирилган бўлиб, ушбу оилаларни иш билан таъминлаш ва уларга моддий-маънавий жиҳатдан кўмаклашишда ва кам таъминланганлик даражасидан олиб чиқишда адлия бўлими ходимлари томонидан амалий ёрдамлар бериб келинмоқда.

Мисол учун, Термиз туман адлия бўлими бошлиғи Б.Ашуровга Термиз туман Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи фуқаро Раджаб Садиқовнинг оиласи бириктирилган бўлиб, мазкур оилани кам таъминланганлик даражасидан олиб чиқиш ва оила аъзоларини иш билан таъминлаш мақсадида туман адлия бўлимининг ташаббуси билан 0,01 га ер майдонида (13x7 метр) енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун субсидия ажратилди ҳамда иссиқхона тўлиқ битказиб берилиб, оила аъзолари иш билан таъминланди ва моддий аҳолини яхшилаш учун шароит яратилди.

Бундан ташқари, Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи фуқаролар Л.Аннамирзаева ва Н.Рўзиеваларнинг оиласида 4 нафардан 14 ёшгача фарзанди борлиги, ёлғиз она эканлиги ва иш билан таъминлаш мақсадида субсидия асосида иссиқхона қуриб беришда амалий ёрдам сўраб туман адлия бўлимига қилган мурожаатлари ҳам тўлиқ қаноатлантирилиб, 0,01 га ер майдонида (13x7 метр) енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиб берилди.

**Баҳодир АШУРОВ,**  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

## Тадбиркор КИМДАН НОРОЗИ?



**ТАДБИРКОР Абдулазиз Умаров Олмалиқ шаҳридаги “Олмалиқ деҳқон бозори” реконструкция қилиниши натижасида унга тегишли бўлган савдо дўкони бузилганлиги, фуқарога тегишли тартибда ер майдони ва қонун ҳужжатлари билан кафолатланган компенсация пуллари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.**

Аниқланишича, Олмалиқ шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 апрелдаги 276-сонли қарори бўйича бузилиши кўзда тутилган объектлар ўрнига ўриндош тарзда Олмалиқ шаҳар “Ойдин деҳқон бозори” орқа томонидан дўкон мулкдорларига “Савдо дўкони” қурилиши учун ер майдонлари ажратиб берилган.

Бироқ шаҳар ҳокимлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор талаблари кўпол равишда бузилиб, тадбиркор А.Умаровга хусусий мулк асосида тегишли бўлган савдо дўкони бузилиши муносабати билан унга ўриндош ер майдони ажратилмаган ҳамда тегишли тартибда компенсация тўловлари тўлаб берилмаган.

Ушбу масалани қонуний ҳал қилиш мақсадида шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаро А.Умаров манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси киритилди ҳамда суднинг ҳал қилув қарорига асосан экспертиза тайинланиб, А.Умаров фойдасига “Савдо дўкони” биноси бузилиши муносабати билан жавобгар “Олмалиқ деҳқон бозори” МЧЖ ҳисобидан 73.381.928 сўм компенсация ва жавобгарлар Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ва “Олмалиқ деҳқон бозори” МЧЖнинг ҳар биридан тадбиркорнинг фойдасига маънавий зарар учун 500.000 сўм миқдорига пул маблағлари ундириб берилиши таъминланди. Ва шаҳар ҳокимлиги зиммасига манфаатдор шахсга қонунда белгиланган тартибда ер майдони ажратиш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилди.

**Сарвар САЪДИҚОВ,**  
Олмалиқ шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси

## Битта ҳарф туфайли “куйган” 16 ЙИЛЛИК ИШ СТАЖИ



**ҲУЖЖАТДАГИ биргина имло хато туфайли бир неча йиллик меҳнат фаолияти йўққа чиқиши, жуда кўп имкониятлардан айириниши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам ҳаётимизда тез-тез учраб туради. Хатирчилик Гўлнора Ражабова ҳам ана шундай вазиятга дуч келди. У Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Хатирчи туман бўлими томонидан 16 йиллик иш стажини ҳисоблашда инобатга олинмаслигини эшитгач, таажжубда қолди.**

Аниқланишича, Г.Ражабова 1983 йилда Хатирчи туманидаги собиқ “Коммунизм” колхозига ишга кирган. Айни пайтда мазкур колхоз А.Темур номидаги ширкат хўжалиги, деб юритилади. Мурожаатчининг 1983 йилдан 1998 йилгача ишлаган даври учун иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотномада унинг фамилияси “Ражабова” эмас, “Ражанова”, деб нотўғри ёзиб кетилган. Фамилия мазкур йилларда юритилган иш ҳақи тўғрисидаги китобларда ҳам шу шаклда, нотўғри ифодаланган.

“Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 80-банди талабига кўра, агар иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжатда кўрсатилган исми, отасининг исми ёки фамилияси паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича исми, отасининг исми ёки фамилияси билан мос бўлмаса, ушбу ҳужжатнинг мазкур шахсга тегишлилиги ҳолати фақат меҳнат дафтарчасини ёки иш стажини тўғрисидаги бошқа ҳужжатни биринчи марта берган ташкилот томонидан тасдиқланиши мумкинлиги, бошқа барча ҳолларда ҳужжатларнинг тааллуқлилиги суд томонидан белгиланиши шарт эканлиги кўрсатилган.

Ўрганиш жараёнида аниқланган ҳолатлар юзасидан адлия бўлими томонидан фуқаро Г.Ражабова манфаатида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш ҳақида” киритилган ариза қаноатлантирилди.

**Шерзод АБДУРАҲМОНОВ,**  
Хатирчи туман адлия бўлими бошлиғи

**ВОБКЕНТДАГИ Қурувчи маҳалла фуқаролар йиғини, Навбахор кўчасида яшовчи фуқаро А.С. Кобувчисини йўқотганлик учун тайинланган нафақа пуллари “Халқ банки”нинг Вобкент туман филиали томонидан тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилди.**



## Банк ходимининг шубҳаси ўтмади

Мазкур мурожаат адлия бўлими ходимлари томонидан ўрганилганда, фуқаро А.С.га Бозор жойи маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан опаси Ҳ.С.нинг номидан пенсия ва нафақа пуллари олиш юзасидан ишончнома расмийлаштириб берилган бўлса-да, “Халқ банки”нинг Вобкент тумани филиали масъул ходими томонидан ишончномага шубҳа билан қаралиб, “Туман пенсия бўлиmidан сўраб келинг, улар бўлади, деса кейин тўловларни амалга оширамиз”, деган

баҳона билан асоссиз равишда ноқонуний талаб қўйган. Ваҳоланки, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг раиси хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посылкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек,

банклардан суммаларни олишга ишончномаларни тасдиқлаш мумкинлиги белгиланган. Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан аниқланган қонунбузилишни бартараф этиш юзасидан АТ “Халқ банки” туман филиалига тақдимнома киритилиб, айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди ва мурожаат муаллифига нафақа пуллари олиб берилиши таъминланди.

**Зоҳид ҲАЛИМОВ,**  
Вобкент туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

## ХОДИМЛАРНИ ОММАВИЙ ИШДАН БЎШАТГАН РАҲБАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

**ЮНУСОБОД туман Санитария-эпидемиология осойишталик марказида 2019 йил 31 декабрда ишлаган 23 нафар ходим оммавий равишда ишдан бўшатишга ва уларга ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда моддий ёрдам пуллари тўлаб берилмаган.**

Туман адлия бўлими ўтказган мониторинг давомида аниқланишича, туман Санитария-эпидемиология осойишталик маркази томонидан ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатишда Меҳнат кодексининг 67, 102 ва 109-моддалари талаблари бузилган.

Мазкур ҳолат юзасидан қонунбузилишга йўл қўйган марказнинг барча масъул ходимларига нисбатан интизомий чоралар кўриш учун тақдимнома ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига маъмурий таклиф киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судига марказнинг 23 нафар собиқ ходимига жами 73 608 648 сўм ишдан бўшатиш нафақаси ва моддий ёрдам пуллари ундириш юзасидан суд буйруғи чиқариш тўғрисида ариза киритилиши натижасида уларга тегишли бўлган пул маблағларини ундириш бўйича суд буйруғи қабул қилинди.

Бундан ташқари, қонунбузилишга йўл қўйган марказ ходими интизомий жавобгарликка, марказ раҳбари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Жўрабек МАХСУДОВ,**  
Юнусобод туман адлия бўлими бошлиғи

**Ф**уқаролик ишлари бўйича судларда қўриладиган актуал низолардан бири ҳам уй-жой низолари, яъни уй хоналаридан фойдаланиш тартибини белгилаш, тураржойларни бўлиш, ҳиссасини ажратиш ёхуд уйдан чиқариш қабилидир. Бу тоифадаги қабул қилинган суд қарори билан қайсидир фуқаромиз уйга ўзи, оиласи, ёш фарзандлари билан киритилиб бошланган бўлса, бошқаси, аксинча, бошпанасидан ва шу уйдан рўйхатдан ҳам чиқишига мажбур бўлади.

Афсуски, кўп ҳолларда қонунчилик талабини билмаслик ҳам фуқароларимизнинг уй рўйхатидан чиқариб юборилишига ёки амалда уйда яшамаса-да, уй рўйхатида бўлган шахслар учун тўловларни тўлаверишига сабаб бўлади.

Бунга суд амалиётида учрайдиган ҳаётий мисоллардан бирини келтириб ўтишни жоиз топдим.

Нигора яхши ниятлар билан оstonasi тиллодан уйга келин бўлди. Қайнотаси "Б" га тегишли уйга келин сифатида киритилди. Тўнғич фарзанди туғилган, қайнотасига тегишли уйга доимий яшаш рўйхатида киритилди.

Лекин бу уйдаги оилавий бахти кўпга чўзилмади. Бахтсиз ҳодиса туфайли Нигоранинг турмуш ўртоғи вафот этди. Ёлғиз ўзи икки қизини воёга етказди, бирин-кетин турмушга узатди.

### Вақтинча бўлмаганида фуқароларнинг тураржойи қуйидаги ҳолларда олти ойдан ортқ мuddатга сақланиб туради:

- ҳарбий хизматга чақирилганда — чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;
- контракт бўйича ҳарбий хизматга қирилганда — контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;
- иш шароитлари ва хусусияти бўйича (кема экипажи, геология, қидирув партияларининг, экспедицияларининг ходимлари ва ҳокзалар), чет элга хизмат сафарига бўлиш ёки таълим олиши муносабати билан (талабалар, докторантлар ва бошқалар) доимий яшаш жойидан вақтинча жўнаб кетилганда — ушбу ишни бажариш, хизмат сафарига бўлиш ёки таълим олишнинг бутун даври мобайнида;
- болалар тарбиялаш учун болалар муассасасига, қариндошларга ёки ҳомийларга, васийларга топширилганда — улар ушбу муассасада, қариндошлар ёки ҳомийлар, васийлар қарамоғида бўладиган бутун давр мобайнида, агар болалар чиқиб кетган тураржойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса. Агар болалар чиқиб кетган турар жойда уларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, ушбу хона болаларнинг муассасада бўлиши мuddати тугагунча ёки қариндошлар ёхуд ҳомийлар, васийлар қарамоғидан қайтиб келган болалар воёга етгунча, шунингдек, тегишли ҳолларда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ўқиш

Фуқароларни белгиланган мuddатдан ортқ бўлмаганлиги оқибатида тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу тураржойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибиде амалга оширилади.

Агарда, суд, шахснинг белгиланган мuddатдан ортқ даврда яшамаслигини узрли сабаблар оқибатида юзага келган, деб ҳисобласа, даъво қаноатлантирмасдан рад этиши мумкин. Яъни, суд келтирилган далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, далилнинг алоқадорлик, маъбуллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан

қизларидан кўнгли тинчиди-ю, аммо тўй тадбирлари ва турли сарпо-суруқлар учун олган қарзларини тўлашга жуда қийналди. Шунинг учун, яхшироқ даромад топиш мақсадида ўзи яшайётган уйдан чиқиб кетди.

Нигора кўшни вилоятдаги марҳум отасидан қолган уйга бориб яшай бошлади ва отасидан қолган савдо дўконини юртия бошлади.

Шу тариха, орадан 10 ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, у қайнотасининг уйига қайтиб келмади.

Бу орада Ботир ака келинини ўзининг уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, яъни пропикадан чиқартириш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилди. Шундан сўнг суд қарори билан Нигора қайнотасининг уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилди.

баҳолаганда ҳақиқатга тўғри келади, деб топсагина, даъво талаби рад қилиниши мумкин. Мисол учун:

Турмуш ўртоғи чет давлатга ишлаш учун кетганидан кейин қайнона-келин ўртасида жиддий келишмовчилик бўлди. Жанжал туфайли қайнона келини "А" ни уйдан ҳайдаб юборди. "А" маҳалла фолларни иштирокида уйга қайтиб киритилди, лекин ўша кунги кечки вақтда қайнонаси ва қайни акаси томонидан қалтакланиб, "А" яна уйдан чиқариб юборилди. Тан жароҳати олганлиги сабабли қайнонаси ва қайни акаси суднинг қарори билан маъмурий жавобгарликка ҳам тортилади. Лекин фуқаро "А" ўзи

суднинг бу қарори қонуний кучга кирган, яъни 20 кундан кейин эса туман ИИБ томонидан тураржой рўйхатидан чиқарилди.

Шу ўринда, бундай вазиятда шахс 6 ой мобайнида уй-жойда яшамаса, барча ҳолатда ҳам уй рўйхатидан чиқарилаверадими, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Албатта, барча ҳолатда ҳам судлар томонидан даъво ариза-лар қаноатлантирилмайди. Бунда тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб берилган сабаблар, асослар бор-йўқлигига ҳуқуқий баҳо берилди.

Яна юқоридаги мисолга қайтадиган бўлсак. Агарда Нигора кўшни вилоятдаги отасининг уйида 10 ой давомида яшаб келишига унинг иш жойидан ўша вилоятга хизмат сафарига ёки ўқув курсларида тахсил олиб келиши учун юборилган-

лиги сабаб бўлса, у ҳолда суд томонидан қайнотасининг даъво аризаси қаноатлантирилмаган бўларди. Чунки фуқаро ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўзи рўйхатда турган уйдан чиқиб кетишга ва бошқа манзилда яшаб туришига мажбур бўлса, олдинги манзилда яшаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Уй-жой кодексининг 52-54-моддаларида, юқорида мисол тариқасида келтирилган сабаблар рўйхати ва бу тоифадаги низоларни кўриш тартиби белгилаб берилган.

Чунончи, тураржойни ижарага олувчилар, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшайётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида тураржой олти ой мuddат давомида уларнинг ҳисобиде сақланиб туради.

тугагунча ёхуд мамлакат Қуролли кучларидаги ҳарбий хизмат мuddати тaмом бaйлaншa ушбу тураржой ижара шартномаси асосиде бошқа фуқароларга бериб турилиши мумкин;

■ ҳомий, васий вазифасини бажариш муносабати билан жўнаб кетилганда — ушбу вазифаларни бажаришнинг бутун даври мобайнида;

■ даволаниш учун даволаш-профилактика муассасаларига жўнаб кетилганда — даволанишда бўлган бутун давр мобайнида;

■ қамалганда ёки ушбу тураржойда яшаш имкониятини истисно этувчи озодликдан маҳрум этиш ёки бошқа жазо чорасига маҳкум этилганда — қамоқда бўлишнинг ёки жазони ўташнинг бутун даври мобайнида, агар тураржойда оиланинг бошқа аъзолари яшаш учун қолган бўлса. Агар кўрсатилган фуқаролар чиқиб кетган тураржойда уларнинг оила аъзолари яшаш учун қолмаган бўлса, бундай фуқаролар қамоқдан озод бўлгунча ёки жазони ўтаб келгунча бўлган мuddатга ушбу хона ижара шартномаси асосиде бошқа шахсларга бериб турилиши мумкин. Вақтинча бўлмаганида шахснинг тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини ушбу мuddанинг иккинчи қисмида кўрсатилган мuddатлар тугаган кундан бошлаб олти ой мобайнида сақланиб қолади.

рўйхатда бўлган қайнонасининг уйига қайтиб борган тақдирда ўрталаридаги келишмовчилик яна кескинлашишни ўйлаб, эрининг Ўзбекистонга қайтиб келишини пойлаб туради.

Эри ҳам уйга қайтиб келганидан кейин хотини ва фарзандларини уйга олиб келишини ваъда берди. Лекин бу давр оралиғида қонунда кўрсатилган 6 ойлик мuddат ўтиб кетади.

Шу каби вазиятларда, агарда ҳақиқатан ҳам келтирилган фактлар, далиллар уйдан фойдаланмаслик узрли сабаблар оқибатида келиб чиққанлигини тасдиқласа, қайнонанинг келини "А" ни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъвосини рад

қилишга асос бўлиши мумкин.

Шу ўринда, таъкидлашимиз лозимки, уй-жой ёки квартиранинг мулкдори бўлган шахсга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмайди. Яъни, Уй-жой кодексининг 11-моддасига кўра, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқини мuddатсиз бўлиб, хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, квартирага мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**Дониёрбек ЭШЧАНОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро суди судьяси

## АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

— ДАВЛАТ хизматлари маркази ходимлари кўмаги ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Чунки субсидияга ариза ташлаш учун ҳужжатларимни йиғишга давлат хизматчисининг ҳуқуқий ёрдами теғди, — дейди Учқудуқлик Гулнозахон Зоирова.

— Икки нафар фарзандим бор, 9 йилдан буён ижарада яшаймиз. Бирин-кетин фарзандларим туғилди. Бола парвариши билан уйда ўтирдим. Ҳозирда турмуш ўртоғим билан Шимолий қон бошқармасида ишлаймиз. Аммо ижара тўлови оила иқтисодини еб битиради. Ўзининг бошпанан бўлмаса, одамнинг бири икки бўлмас экан. Аммо субсидия ҳақидаги Ҳукумат қарори чиққанда юрагимда бир умид пайдо бўлди. Шу илнж мени Учқудуқ тумани Давлат хизматлари марказига бошлади. Мана уйнинг бошланғич тўлови учун 29 миллион пул ажратилди. Шунчалар хурсандманки, тасвирлашга сўз тополмайман.

Ана шундай субсидия олиш тўғрисидаги хабарномани олган фуқаролардан яна бири Улуғбек Йўлчиев бўлади. Унинг айтишича, ариза ташлаганида таниш-билишлари ишончсизлик билан "кам таъминланган оилаларга субсидия олишга йўл бўлсин" деган экан. Унинг оиласида уч фарзанд тарбияланапти, турмуш ўртоғи ишламайди.

Айни кунда Учқудуқ тумани Давлат хизматлари марказлари орқали субсидия олиш учун 38 та мурожаат тушган бўлиб, ишчи гуруҳ хулосасига асосан ижтимоий мезонларга мувофиқ 4 нафар аризага ўз хабарномаларини олиб кетишди. Махсус комиссия таркибиде ҳокимлик, молия, солиқ, банк, кадастр, Ёшлар ташкилоти, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, бандлик, ички ишлар тизимидан вакиллар мавжуд. Дарвоқе, субсидия олиш учун аризалар Давлат хизматлари марказлари ёки my.gov.uz портали орқали электрон тарзда жорий йилнинг 1 октябрига қадар қабул қилинади.

**Умаркул ХУДОЙҚУЛОВ,**  
Учқудуқ тумани ДХМ директори

## Қувадаги молиявий пирамида 95 НАФАР ФУҚАРОГА ЖАБР ЕТКАЗДИ



ЖИНОЯТ кодексининг 188<sup>1</sup>-моддаси "Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият", деб номланади. Аммо кундалик ҳаётимизда айни жиноятга деярли дуч келавермаймиз.

Қува туманида яшовчи Сайёра Маҳмудова эса таниши Расулжон Мирзаалимовнинг таклифи билан мазкур жиноятга қўл урганда ҳаёлан еттинчи осмонда учиб юрарди. Яъни, йигит унга интернетдаги "APPI TRAVELS.COM" сайти орқали туризмни ривожлантириш бўйича электрон бизнес ишига қўшилишни, агар шундай қилса, дунёнинг барча мамлакатлари учун чегирмали нархда авиачипталар олиш, меҳмонхона, ресторанлар, ижарага автоматналлар буюртириш, интернет сайти очиб, реклама ва шунга ўхшаш электрон тарзда амалга ошириладиган хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишни тушунтиради.

— Айниқса, сайтнинг олти рақамли "Матрица" хизмати Сиз учун жуда фойдали, — дейди Р.Мирзаалимов Сайёранга янада қизиқтириб. — Бу хизматга аъзо бўлиш учун уч "юз доллар" тўлайсиз. Кейин танишларингиздан яна икки кишини аъзо қиласиз, улар ҳам иккитадан мижозни жалб этиши керак. Шунда Сиз 750 доллар бонус — даромад оласиз. Қанча кўп одамни аъзо қилсангиз, шунча кўп бонусни қўлга киритасиз.

Буни қарангки, С.Маҳмудовага электрон бизнесдан ҳам кўра "Матрица" хизмати ҳақидаги иккинчи таклиф жуда маъқул келади. У энг шимариб, "иш"га киришиб кетади. Аввало, 300 АҚШ доллари миқдорда аъзолик бадал тўлайди. Кейин танишлари Шохсанам Носирова, Маҳсудахон Тиллаева, Дилрабо Солиева ва Фаррух Мўйдиновларни аъзоликка жалб қилади. Қарабсизки, 750 долларлик бонусни қўлга киритиб турибди-да.

Шундан сўнг Сайёранинг яна бошқа қадрдонлари Гуласал Арипова, Райҳоний Солиева, Роҳатхон Саидазимова, Лобарой Дадажонова, Наргизахон Султоновалар ҳам сайтнинг юқоридаги хизматига аъзо бўлиб қўшилиди. Бора-бора С.Маҳмудова билан бирга улар 10 кишилик жинорий гуруҳга айланади. Ахир, ишламай пул топиш кимга ҳам ёқмайди дейсиз? Яна денг, даромад хорижий валютада тўланса. Мана шу тарихда жинорий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз таниш-билишларини "Матрица" хизматига жалб қила бошлайди. Жумладан, кимдир 150, кимдир 200 АҚШ доллари берса, нақд 82 нафар фуқаро 300 АҚШ доллари билан пул топиради. Ҳатто, 1000, 1200, 1500, 1800 АҚШ доллари берганлар ҳам бор. Айниқса, фуқаро Нафисахон Шералиева бир ой мобайнида ўзи, турмуш ўртоғи С.Шералиев, қизлари Ф.Тўхтасинова, З.Тўхтасинова, Г.Тўхтасинова, қайнонаси С.Шералиева, қайнисинглиси, унинг қизи ва жияни каби оила аъзоларининг ҳисобига "атиғи" 2550 АҚШ долларини жиноятчиларнинг қўлига тутқазди. Оқибатда, 2019 йилнинг апрель-июнь ойларида 95 нафар фуқаронинг 71.200 АҚШ доллари (606.160.184 сўм) миқдоридидаги маблағи ноқонуний равишда жалб этилади. Бироқ кимдир бонусга эга бўлса, бошқа биров берган пулини ҳам қайтариб ололмайдди. Айниқса, сўнгги кунларда жалб қилинган фуқароларга ҳеч қандай бонус берилмаган. Шу боис улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишган. Пировардида қингир ишининг қийғи чиқиб, мазкур жиноят фош этилади.

Шундан сўнг С.Маҳмудова, Ш.Носирова, М.Тиллаева, Д.Солиева, Ф.Мўйдинов, Г.Арипова, Р.Солиева, Р.Саидазимова, Л.Дадажонова ва Н.Султоноваларга нисбатан Жиноят кодексининг юқорида тилга олинган 188<sup>1</sup>-моддаси, 3-қисми, "а,в"-бандлари билан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Қува туман суди томонидан эса "қаҳрамон"ларимизга турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиб, Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан тегишли синов муддатлари белгиланди. Шунингдек, суд ҳукмида судланувчилардан 15 нафар жабрланувчига етказилган 30.533.000 сўм миқдорда зарарни ундириш ҳам ўз аксини топди.

Албатта, мазкур жиноят иши тафсилотларидан воқиф бўлган ҳар қандай кишида бир талай фикр-мулоҳазалар туғилади. Судланувчилар-ку мўмай даромад илинжида ҳеч нарсадан тап тормай жиноятга қўл урган. Аммо оз эмас, нақд 95 нафар жабрланувчиларнинг сўраб-суриштирмай иш тутгани ҳам жиноятга йўл очган. Уларнинг орасидан ҳеч йўқса, битта бўлса ҳам оқни қорадан, ҳалолни ҳаромдан ажратадиган киши чиқмагани ачинарли.

**Зафаржон ОМОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Қува туман суди раиси,  
**Хуршид СУЛТОНОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

**Р**ЕСПУБЛИКАМИЗДА биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақамлашни таъминлаш, хорижий валюта тушуми манбалари ва миқдорини кенгайтириш ҳамда валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



## СОЛИҚНИНГ ДАЪВОСИ ЎТМАДИ...

Навоий вилоят давлат солиқ божқармаси томонидан биржадан ташқари валюта бозорининг назоратини олиб бориш жараёнида жавобгар "Навоийазот" акциядорлик жамиятига нисбатан республика бюджети даромадига ўз вақтида келиб тушмаган ва валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 365 кунгача кечиктирилганлиги аниқланиб, акциядорлик жамиятига ушбу кечиккан 522.739,86 АҚШ доллари миқдоридидаги валюта маблағининг 70 фоизи 365.917,90 АҚШ дол-

лари (Марказий банк томонидан ўрнатилган курс бўйича эквиваленти) миқдорда молиявий жарима қўллаш тўғрисида Кармана туманларо иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Аниқланишича, Қозоғистон Республикасидаги ТОО "Торговый Дом" ўртасида тузилган консигнация экспорт контрактига мувофиқ "Навоийазот" АЖ томонидан белгиланган маҳсулот хориждаги харидорга етказиб берилган.

Банк томонидан солиқ органига "Навоийазот" ва ТОО "Торговый

Дом" ўртасида тузилган экспорт контракти бўйича 618.503,86 АҚШ доллари миқдорда муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги мавжудлиги маълум қилинган. Солиқ органи томонидан Жамиятга нисбатан мазкур контракт бўйича тўловлар кечиктирилганлиги ҳолати бўйича молиявий жарима қўлланилган ва молиявий жаримани ихтиёрий тўлаш тўғрисидаги талабнома юборилган, лекин жарима тўлаб берилмаганлиги сабабли солиқ органи судга даъво аризаси билан мурожаат этган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорининг 4-бандига мувофиқ, экспорт операциялари бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати:

- муассислар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чет элдаги ташкилотларга (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналари, фирма дўконлар, дилерлик шохобчалари ва консигнация оморборлари), шунингдек, — Республика Савдо-саноат палатаси аъзолари — ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан Палатанин савдо-инвестиция уйлари номига олиб чиқилаётган товарлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 180 кундан; қолган экспорт қилувчилар учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб
- 120 кундан ошиб кетмаслиги керак;
- белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда — тушмаган валюта маблағлари суммасининг ёки "эркин муомала учун чиқариш" режимда расмийлаштирилмаган товарлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Жамиятга 522.739,86 АҚШ доллари миқдорда валюта тушуми маҳсулот амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 365 кундан ортиқ кечиктирилганлиги сабабли ушбу валюта маблағининг 70 фоизи (Марказий банк томонидан ўрнатилган курс бўйича 1 АҚШ доллари — 8389,97 сўм) 365.917,90 АҚШ доллари ёки 3.070.040.220 сўмни ташкил этади.

Лекин Президентимизнинг 2018 йил 30 октябрдаги "Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўра, давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзара муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун қўлланиладиган санкциялар бекор қилиниши белгиланган.

"Қимбатли қўғозларнинг марказий депозитарийси" давлат

корхонасининг хатига мувофиқ Жамиятнинг устав жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларни бошқариш агентлигининг улуши 49 фоизни ва "Ўзкимёсаноат" АЖнинг улуши 51 фоизни ташкил этган.

Президентимизнинг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонининг 1-бандига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек, улар ҳўзурида ва Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига кирди. Мазкур Фармоннинг иловасида республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ "Ўзкимёсаноат" АЖ давлат бошқаруви органи бўлиб ҳисобланмайди.

Бундай ҳолатда, суд томонидан "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти давлат бошқаруви органи бўлиб ҳисобланмаслиги, балки ҳўжалик бошқаруви органи бўлиб ҳисобланиши, жавобгар устав жамғармасидаги давлат улуши 49 фоиз эканлиги, ҳўжалик бошқаруви органининг улуши давлат улуши бўлиб ҳисобланмаслиги сабабли жавобгар давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар тоифасига кириши инobatга олиниб, аризачининг молиявий жарима қўллаш ҳақидаги талабни қаноатлантиришни рад этган. Бир сўз билан айтганда, солиқнинг даъвоси ўтмади.

**Салимжон АБДУРАСУЛОВ,**  
Навоий вилоят иқтисодий суди судьяси,  
**Сабит ЖАКЕЕВ,**  
Кармана туманларо иқтисодий суди судьяси

**Ф** УҚАРОЛИК ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида аҳолининг туғилиш ва ўлимни қайд қилиш, никоҳ, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, ажримлар билан боғлиқ ҳолатларни умумий статистик рақамларда кундек равшан кузатиш мумкин. Ушбу рақамларни таҳлил қиларкансиз, минглаб хонадонларда бахт, янги фарзанд қувончидан порлаб кетасиз. Гоҳида айрим статистика кўнглингизни ғаш қилади. Мулзам қилади, уйлантириб қўяди...

# Бахт чиқириқлари

## РАҚАМЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ...

Фаргона вилоятида сўнгги 6 ой давомида 8 минг 180 та никоҳ қайд этилган. 21 та ФХДЭ бўлимида 41 минг 689 нафар чақалоққа туғилганлик гувоҳномалари расмийлаштириб берилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 мингтага кўп дегани. Шундан 21 минг 642 нафари ўғил бола ва 20 минг нафари қиз болалар эканлиги маълум бўлди. Мамлакатимизда ҳаёт бир маромда давом этаётганидан бошингиз кўзга етади. Ҳатто, пандемия шароитида ҳам 3 минг 300 дан ортққ ёш жуфтликлар расмий никоҳдан ўтиш учун онлайн ариза беришганлиги қувонарли.

олти ой давомида ФХДЭ органлари томонидан фақатгина шаръий никоҳда яшаб келаётган шунча оилалар аниқланган. Минг афсуски, янги оилалар қурилиши билан бир қаторда ажримлар ҳам мавжуд. Бу ҳақида мақоламизнинг кўйи қисмида батафсил баён қиламиз.

## АЖРИМЛАРНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Яшаб турган шу жамиятимиз учун бир дона ажрим ҳам кўп аслида. Чунки ҳар бир рақам остида минглаб тақдирлар яширин. Бу мақоламизда ажримлар сонини камайтириш учун тарғибот ва тўшунтириш ишларини кўпроқ олиб бориш керак, деган фикрларини билдирмадик. Бу ҳақида кўплар қўлашиб айтишди... Биз масаланинг бошқа томонини ёритмоқчимиз.

Шаръий никоҳ билан яшаш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан

деярли ўзгаришларсиз қолаётганининг асосий сабаби — ажримларнинг кўплигида. Бу икки масала эса бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ажрашиб уйлانганлар ажрим узоқ жараён эканлиги учун иккинчи никоҳни деярли қонунийлаштиришмайди. Бундан ташқари, ажрашаётган оилаларнинг аксарияти судда ёки ФХДЭ бўлимларида ўзаро келиша олмайдди.

Бизнингча, ажримларни жамиятда камайтириш учун асосий эътиборни никоҳга қаратиш лозим. Унинг қадр-қиммати ниҳон қадар ошириш лозим. Нега? Чунки бизда никоҳ арзонгаров бўлиб қолган. Асосий эътибор тўй ва тўйгача бўлган маросимларга қаратилади. Маросимлар биринчи ўринга қўйилади. Ким нимага қийинчилик билан эришса, уни шунчалар қадрлаши табиий, албатта. Ҳозирда эса ўзимизнинг шахсий орзу-хавасларимиз тўғрисида ёшларимизга никоҳ ва келин бўлишини осонгина бериб қўётгандекмиз. Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида эса келинпошша ҳам, никоҳ ҳам қиммат. Масалан, Туркия, Япония, Хитой, араб мамлакатларида келинни уйга олиб киришнинг ўзи бўлмайди. Унгача қанча шартлар бажарилиши керак... Аввало, қизга қалин пули — ҳисоб рақамига маълум бир йирик миқдордаги пул маблағи ўтказилади. Келинни келажакда асраб-авайлашга, у билан бирга бахтли ҳаёт кеңириб кета олишига ақинлари ва оила аъзолари ишонч ҳосил қилиши керак. Бизда эса кўёвнинг уйига келинпошша ҳамма нарсасини — кўёвнинг тўшагига, қўл ювадиган, кир ювадиган машинасига елкалаб бораёпти. Афсуски, бу одатлар

жамиятимизда ҳали ҳам тўлиқ йўқ бўлиб кетгани йўқ. Халқона тил билан айтганда, "бизда қиз арзон". Туркияда эса соқолига оқ оралаган бўлса ҳам уйланмай юрганлар қанча?! Чунки турмуш ва никоҳ қанчалар жиддий масала эканлигини, эркакка ҳам аёлга ҳам қанчалар масъулият юкланишини яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар уйланишдан кўра ажримдан кўпроқ ўйга толишаркан.

## ШУ МАВЗУДА МУСТАҚИЛ ФИҚРЛАР...

Шарқ мамлакатлари тажрибасига таянадиган бўлсак, келинга ҳам, кўёвга ҳам қўйиладиган талаблар жуда юқори. Бунинг устига аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган. Хонадонда "келин хизмат қилиши керак, оиланинг қайнонаси ёки қайночасига бериши шарт, деган тушунчалар умуман йўқ. Ушбу тамойиллар эртага оиланинг ажралishi ёқасига келиши ҳар икки томон учун ҳам қаттиқ ижтимоий ва молиявий зарба бўлишини жуда яхши билишади. Бизда-чи? Аксарият ажримлар айнан мана шундай майда-чўйда, бёмани шартлардан келиб чиқатгани бор ҳақиқат.

Минг афсуски, учинчисига, тўртинчисига, бешинчисига ҳам тўй-томоша қилиб келин олаётган оилалар ҳар бир вилоятда учрайди (келин топилаверганга ҳам хайрон бўласан киши). Бунинг устига, ҳар бир қурган оиласидан бир, икки нафар фарзанди борлари ҳам йўқ эмас. Эртага, албатта, алимент, никоҳ, ажрим масалаларида бу оилаларда жанжал, чигал вазият юзага келиш эҳтимоли юқори. Бу эса жондан азиз қизларимизга "ар-

зон", деган тамгани босиш эмасми? Ахир, зарнинг қадри унинг ноёблигида, ҳа, деганда топилавермаслигида эмасми?

Яна рақамларга юзланамиз. Жорий йилнинг 6 ойи давомида ажримга оид 1 минг 300 га яқин муурожаат келиб тушган. Шундан 692 таси суд қарори билан ажрашиш ҳолати ҳисобланади. Яна бир қизик факт: ўтган ва жорий йилнинг олти ойи давомида биргина Фаргона вилоятида 275 нафар ёш қизларимиз чет эллик фуқаролар билан оила қурган. Бу рақамларни мамлакат миқёсида ҳисобласак, қанча эканлигини билиб олиш керак эмас. Хитой, Корея, Япония, Туркия, араб дёври, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари вакилларининг ўзбек қизларига уйланишининг қўлайиб бораётгани ҳам шундан далолат эмасмикин? Чунки инсон элти борки доимо осонини танлайди. Лекин улар ўзбек аёлларининг сабр-бардоши, эпли ва сепли эканлиги учун таллаётганига ишонгимиз келди.

Юқорида келтирилган фикрлар билан аёлларимиз чет элга турмушга чиқмасин, тўйлар ва тўй олди ишлари бошқа қўриб чиқишли керак, дейиш фикридан йироқмиз. Фақат бирозгина ажримлар, шаръий никоҳлар билан чекланишдек жамиятимиздаги муаммоларни таҳлил қилишга, унинг туб илдишларини очиб беришга уриниб кўрдик. Биз шунчаки фикр бердик, ҳулоса қилиш эса ўзингизга ҳавола...

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Фаргона вилояти бошқармаси  
Жамоатчилик ва ОАВ билан  
алоқалар шўъбаси етакчи  
маслаҳатчиси

## ЭЪЛОНЛАР

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 7 июлдаги 196-ум-сон буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 17 декабрда берилган АН №000003-сонли лицензия эгаси, "LEX" адвокатлик фирмаси адвокати Солиев Мирзохид Фаттоховичнинг ва 2018 йил 17 декабрда берилган АН №000006-сонли лицензия эгаси, "LEX" адвокатлик фирмаси адвокати Хужамов Хаомжон Хошимовичларнинг адвокатлик лицензиясининг ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Андижон тумани, Найман МФЙ, Бойтўпи маҳалласи, 69-уйда яшовчи фуқаро Холматов Муҳтаржоннинг 2020 йил 8 июлдаги аризасига кўра, Андижон вилоят адлия бошқармасининг жорий йил 9 июлдаги буйруғига асосан унинг номига 2018 йил 21 декабрда берилган АН №000140 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 9 июлдаги буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 19 декабрда берилган АН №000068-сонли лицензия эгаси, Андижон шаҳридаги "А.С.НУҚУҚ" адвокатлар ҳайъати адвокати Хафизов Жаҳонир Исманиевичнинг адвокатлик мақоми ва адвокатлик гувоҳно-

масининг амал қилиши иш даврига тўхтатилди.

"Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан Самарқанд шаҳридаги "ҚОМУС" адвокатлар ҳайъати адвокати Шаропов Шавкат Тешаевич вафот этганлиги сабабли Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 26 июлдаги 164-ум-сонли буйруғига асосан унинг номига бошқарма томонидан 2018 йил 27 декабрда берилган СА 000167-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди ва бошқарманинг 2020 йил 26 июлдаги 165-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "АМАН" адвокатлар ҳайъати адвокати Усманов Рустам Исамович (адвокатлик гувоҳномаси №400, 23.08.2019 й.) адвокатлик мақоми 3 ойга тўхтатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 6 июлдаги 170-ум-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд қонунарий" адвокатлар ҳайъати адвокати Муродов Мақсуд Шотурсуновичнинг (адвокатлик гувоҳномаси №292, 05.01.2019 й.) адвокатлик мақоми 3 ойга тўхтатилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 30 июлдаги 52-А-ум-сонли буйруғига асосан "ADOLAT XAQIQAT MEZONI" адвокатлик фирмаси адвокати Umiyaxolova Yulduz Abduxoluyevna бошқарма томонидан 2019 йил 30 январда берилган 215-сонли адвокатлик гувоҳномаси йўқолишини сабабли ўрнига янги 274-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 25 июлдаги 131-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Бозоров Нурали Давлатовичнинг адвокатлик мақоми 2020 йил 19 июндан бошлаб ўч ой муддатга тўхтатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 25 июлдаги 129-ум-сонли буйруғига асосан Мухаммаднинг Баҳром Махдумовичга малака илмixonони топишганлиги сабабли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 23 июлдаги 10-А-сонли буйруғига асосан адвокат Абдураҳманов Камол Камилжонга 2010 йил 21 июнда берилган GZ 000077-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2020 йил 23 июндан тикланганлиги ва адвокатлик фаолияти би-

лан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси "Фуқаролик ва иқтисодий" ҳамда "Маълумот ва жинсий" суд ишларини юртиш иختисосликлари бўйича қайта расмийлаштирилганлиги ва унга янги 117-сонли янги адвокатлик гувоҳномаси берилганлиги маълум қилинади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 23 июлдаги 8-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳрида фаолият қўриётган "ФЕМИДА" адвокатлик бюросининг таясиз ҳужжатига, адвокатлик бюроси раҳбари Маджитов Носир Гулмуҳаммад деб ўзгартириш қилинган, ушбу ўзгартириш давлат рўйхатидан ўзгаришганлиги ва адвокатлик тўғрисидаги реестрга тегишли ёзув қийинчиликлари маълум қилинади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 23 июлдаги 9-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳрида фаолият қўриётган "MADINABONU NIHOYASI" адвокатлик фирмаси адвокати Маджитов Носир Гулмуҳаммаднинг "ФЕМИДА" адвокатлик бюросига ишга кириши муносабати билан унга 116-сонли янги адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 3 июлдаги 14-А-сонли буйруғига асосан Исломов Дилшод Абдураҳимовичга 2018 йил 28 декабрда берилган GZ 000041-сонли адвокат-

лик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2020 йил 3 июндан тикланди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 23 июлдаги 12-А-сонли буйруғига асосан Жинёт ишлари бўйича Фориш туман судининг 2019 йил 25 декабрдаги ҳукмига асосан "SEVINCH" адвокатлар ҳайъати адвокати Абулғаев Жасур Абдумуҳаммадовичга — 2019 йил 16 январда берилган GZ 000095-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2019 йил 16 январда берилган 084-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва Жинёт ишлари бўйича Зомин туман судининг 2020 йил 13 майдаги ҳукмига асосан "Кафолат" адвокатлар ҳайъати адвокати Нордўзев Акбар Бахтиёровичга — 2019 йил 16 январда берилган GZ 000092-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2019 йил 16 январда берилган 084-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 23 июлдаги 11-А-сонли буйруғига асосан талабдор Мустафоқуллов Бахтиёр Эриёвичга "FANINA NIHOYASI" адвокатлар ҳайъати ишга қабул қилинганлиги муносабати билан унга 118-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.

**ИНСОН ҚОНУН**  
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган  
ISSN 1020-2617  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
www.minjustuz

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Тошқупов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерхад Миржалипович  
Тоқиев Фурқат Шомиродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

**Бош муҳаррир**  
Кўчқор НОРҚОБИЛ

Тахририятга келган кўлемли тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Мадҳия Авазова  
**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳамда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюнда chop этилди.  
**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5820  
Буюртма — V-4243

Топириш вақти — 19:00  
Топириш — 19:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-87

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

# “Кутубхона қуриш ёки кутубхонага бориш

## қачон трендга киради?”

Бир нарсани ҳеч тушунмайман: китоб ўқийдиганларда пул йўқ, Пули кўплар китоб ўқимайди...

Ўтқир Ҳошимов

### ЁШЛАР НЕГА КУТУБХОНАГА КИРМАЙ ҚЎЙДИ?

— КЎПЧИЛИК жаҳон адабиёти дурдоналарининг бебаҳо хазинасидан баҳра олиб, онгу тафаккурини буюк даҳоларнинг китоблари офтоби билан ёритган.

Классик ва жаҳон адабиёти вакиллари дурдона асарлари ҳамма давр учун — ўтмиш, бугун ва келажак учун ҳам ҳикмат айта оладиган даражадаги даҳо асарлар эканлигини тан оламиз. Ёзувчиларнинг ўлмас асарларида инсон тақдири маъносини излаган кучли гоёлар неча-неча йиллар ўтиб ҳам ўз қимматини заррача йўқотмайди.

Биз кўпроқ интернетта мафтун бўлиб, китобдан узоқлашдик. Бир-бирдан қисқа бўлар-бўлмас хабарлар вақтимизни ўтирди. Кутубхонага кириш ўрнига, интернет саҳифаларига киришни афзал билдик.

Кутубхоналар — нурхоналарнинг нури чанга ботиб, қоришиб ётганини ҳам очик-ойдин айтиш керак.

Хўш, кейинги пайтларда ёшлар нега кутубхоналарга кирмай қўйди?

Чунки ёшлар ўзи нураб, поли чириб ётган, зах хиди димоққа уриладиган кутубхоналарга боргандан кўра, ёруғ, шинам, замонавий интернет кафедраларда ястаниб ўтиришни афзал кўраётганлигини ким инкор эта олади? Боз устига бу кутубхоналарда кимлар Сизга хизмат қилиши ҳам жуда муҳим.

Бугунги даврнинг бу каби оғриқли муаммолари оз эмас. Сениқ ойналар тирқишидан мўраётган нур эски кутубхоналар бағрини энди ёрита олмаслиги аниқ...

Англаган ҳақиқатимиз шу: Давр руҳиятини инсоният учун тафаккур чироғи бўлган китоб билан даволаш керак! Бошқа барча манбалар, бойлиқлар бу хазинанинг ўрнини босолмаслиги, китоб берган ҳикматни бера олмаслиги аниқ. Шу боисдан ҳам ёшларни китобга ошно ва мафтун қилиш чораларини кўриш зарур. Бу борада давлатимиз раҳбарининг шахсан сазъ-ҳаракатлари билан қатор қарорлар қабул қилинди. Танловлар эълон қилиниб, ёшларнинг юрагига китоб меҳри шуъла соча бошлади. Қалбдан қалбга йўл бор... Бу йўлларни китоб бирлаштирса, эртани ёруғ юз билан қарши олишимиз мукаррар!

### КЎП НАРСА КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ...

Кадрлар ҳаммасини ҳал қиладди, кўп нарса кадрларга боғлиқ, — деган гаплар кўп такрорланади.

Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарориди кутубхоначилик иши мутахассисларига замонавий ахборот-кутубхона технологиялари асосида касбни билиш, ўрганиш, қабул қилиш, такомиллаштириш ва шу орқали соҳани янги даражага олиб чиқиш каби вазифалар юкланган.

Ахборот-кутубхона технологиялари бўйича мутахассисликка малакавий талаблардан энг асосийси олий маълумотга эга бўлишдир.

Кутубхона архивиди 1939 йилдаги кутубхона ходимларининг лавозимлари ҳамда уларга қўйилган малакавий талабларни акс эттирган ҳужжатда, ҳатто I тоифали кутубхоначи лавозимига ҳам олий маълумотли мутахассислар талаб этилган.

Қарор асосида янги ташкил этилган ахборот-кутубхона марказлари, қолаверса, тизимдаги кутубхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимларни ўрганиш шунинг қўрсатдики, 10,5 фоизгина кутубхоначи-

лар олий маълумотга эга ҳолос.

Мазкур марказларда бугунги кунда тўрт мингга яқин соҳа вакиллари ишлаётган бўлса, айтиб ўтганимиздек, уларнинг бор-йўғи 10,5 фоизини олий маълумотли, 40,2 фоизини ўрта махсус кутубхоначи мутахассислар ташкил этади. Қарийб 50 фоизи эса бошқа соҳадан “қелиб қолган” кадрлардан иборат.

Йиллар давомида “кутубхона-ахборот фаолияти” йўналиши бўйича олий ўқув юртига қабул квоталари ажратилиши эҳтиёжга қараб белгиланмади.

Кўлаб ривожланган мамлакатларда кутубхоначи мутахассислиги 2 та магистрлик даражасига эга ходимларнинг ишга қабул қилиниши меъёрга айланган.

Президентимизнинг 4354-сон Қарори 9-бандида ихтисослашган олий ўқув юртларига “Кутубхона-ахборот фаолияти” йўналиши бўйича ўқишга қабул квоталари ажратилиши белгиланган эди. Жорий йилда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига жами 275 та кундузги, 225 та сиртки қабул квоталари ажратилди. Илгари фақат Тошкент ахборот технологиялари университетида кутубхоначилар тайёрланган бўлса, 2019 йилда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам мазкур йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилди. Жорий йилдан эса Термиз давлат университети ҳам кутубхоначилар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари қаторига қўшилди.

Уйлаймизки, 5-10 йилда мамлакатимизда мазкур соҳа энг малакали ва замонавий билимларга эга олий маълумотли кадрлар билан таъминланади.

### “ВАҚТИНЧА”ЛИК МУНОСАБАТ ТОКАЙГАЧА?

Президентимизнинг юқорида тилга олинган Қарориди ҳокимлар томонидан ёшларни билимли, юксак маънавиятли инсон бўлиб етиштириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилиши кераклиги ўқтирилган. Афсуски, ҳозирги кутубхоналар ёшларни на китоблари, на ахборот-технологиялари, на янги хизмат турлари ва на интеръери, яъни чириб кетган мебеллари, томидан чакки ўтган қоронги заллари, ямоқ ленолеумлари билан ўзига жалб қила олади...

Қарор ижроси Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги туман, шаҳар ахборот-кутубхона марказлари мисолида кўрилганда, жуда оддий ва жуда жиддий муаммолар борлиги кўзга ташланди. Жумладан, Асака, Марҳамат, Булоқбоши, Жалақудуқ туманлари ахборот-кутубхона марказлари ҳақида гапириладиган бўлса, биргина Марҳамат тумани ахборот-кутубхона маркази Соғ-

лиқни сақлаш вазирлигига тегишли бўлган туман марказидаги бинода хизмат кўрсатаётди. Қарорнинг 7-бандида бинода ҳам “вақтинча” хизмат кўрсатаётган кутубхоналар талабдан анча узоқда. Тўғри, Хонобод шаҳар ахборот-кутубхона маркази фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлиб, керакли жиҳозлар ва китоблар билан таъминланган. Аммо қолган муаммолар ҳам ечим топишига ишонамиз. Қизик, Қарор қабул қилинганга бир йил бўлди, аммо китобхонлиқни кўлаб-қувватлашга қаратилган бундай “вақтинчалик” муносабат яна қанча давом этаркин?

Барча туман ахборот-кутубхона марказлари фаолиятида энг асосий муаммо ва камчиликлар бу — кутубхоналар учун талаб даражасида бинолар ажратилмаганлиги, мавжудлари ҳам тўлиқ таъмирланиши, компьютер технологияларининг йўқлиги, аҳолига ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш бугунги кун талабидан келиб чиқиб замонавий, тезкор, креатив ёндашувлар, инновацион гоёлар асосида татбиқ қилиш, амалга ошириш имкони йўқлигини кўрсатди. Китоб фондларининг сони ва таркиби аҳоли сонига нисбатан халқроқ кутубхоначилик меъёрларидан анча пастлигига қолмоқда. Фондлардаги нашрлар анча эскилиги ҳам китобхонани ўзидан узоқлаштириши табиий.

Фарғона вилоятида ҳам вазият бундан ортик эмас. Бешарик, Фурқат, Ўзбекистон, Риштон, Богдод, Учкўприк, Бувайда, Оптирик, Дангара, Қувасой туманлари ҳамда Қўқон шаҳридаги АКМларнинг айримлари қайсидир коллеж, қайсидир яна бошқа ташкилот биносига жойлаштирилган. Баъзи туманларда ажратилган бинолар талаб қилинган меъёрларга умуман тўғри келмайди.

Самарқанд вилояти Пайариқ, Иштихон, Оқдарё, Жомбой, Қўшработ, Пахтачи, Урғут туманлари, Каттақўрғон шаҳар ахборот-кутубхона марказлари фаолияти ҳам рисоладагидек эмас. Тўғри, қайсидир туман, шаҳарларда Қарорнинг ижроси юзасидан ижобий натижалар бор, аммо Қарор ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Олис Қизилқумда жойлашган Зарафшон шаҳридан бу борада баъзи туманлар ўрнук олса арзийди.

Фақат биргина Зарафшондаги кутубхона марказида Қарорда ҳокимликлар томонидан бажарилиши керак бўлган топшириқларнинг барчаси амалга оширилган. Бу ерда Миллий кутубхона томонидан ташкил қилинадиган халқроқ тадбирларни ўтказишга арзийдиган шароитлар ва кадрлар салоҳияти борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Умида ТЕШАБАЕВА,  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

### МАЪРИФАТ КОШОНАЛАРИ КЎПАЙСИН

Кейинги йилларда мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди. Баланд-баланд иморатлар кўпайгандан-кўпайди. Чиройли савдо дўконлари, бир-бирига ўхшамagan дорихоналар, турли хусусий шоҳобчалар қурилиши давом этмоқда. Аммо кутубхоналар ёки китоб дўконлари қурилишига кўзимиз тушмади. Хайрият, Богдодда маърифатли тадбиркор бор экан. Туман марказидаги кутубхона қурилиши тадбиркор Муҳимжон Азизовга тегишли бўлиб, Богдод аҳолисини республикада энг зўр китобхоналардан бўлиши учун қўлай ва барча имкониятларни яратиб берадиган маърифат кошонаси бўлиши аниқ.

### МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИНСОННИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Қўқон шаҳрида давлатимиз раҳбари томонидан минглар сулоласига мансуб бўлган Қўқон хони Амир Умархон. Амирий кутубхонасини ташкил қилиш вазифаси берилганди. Кутубхонада бугунги кунда замонавий лойиҳа асосида ички таъмирлаш ишлари олиб борилаётган. Шу билан бирга, Қўқон шаҳар ахборот-кутубхона маркази учун оригинал дизайнга, яъни Лаъх устиди очилиб турган китоб ва ёнида катта сийёҳдон кўришнишдаги бино қад кўтарилиши таъкидланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллиард сўмни ташкил этади. 3 қаватдан иборат ушбу кутубхонада ўқув заллари, хаттотлар учун марказ, конференц зал, босмахона жойлаштириш режалаштирилган.

Ўртимизда шундай гўзал кошоналар кўпайишини, кутубхоналар қурилиши урфга айланишини жуда-жуда истардик.

Чунки маънавият учун, маърифат учун тикилган ҳар қандай сармоя миллатнинг, авлодларнинг буюк келажиги учун хизмат қилишини унутмаслик ҳам катта савобдир. Илм-маърифат мағиби хира тортмасин, доимо келажак авлодлар тафаккурида чақнаб, чарқлаб турсин!

Таъжуб. Президент Қарор чиқарса, жойлардаги мутасаддилар уни бажаришни пайсалга олса, турли баҳоналарни рўқач қилса, қачон кўзланган мақсадларга эришамиз, қачон юксак чўққиларни эгаллаймиз?!

Кутубхоналар ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳали давом этади. Истагимиз битта: пули кўплар ҳам, пули йўқлар ҳам китоб ўқийдиган замонлар келсин...

“Инсон ва қонун” муҳбири  
Маруса ҲОСИЛОВА тайёрлади.